АГРОТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Тошкент - 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизмат кўрсатиш соҳасида Туризм хизматларининг ўрни беқиёс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Президентимиз томонларидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида турли имтиёз ва ёрдамлари сабабли тадбиркорлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини доимий етиштириш учун иссиқхона ва бошқалардан фойдаланиб келинмоқда. Туризм соҳасининг янги йўналишларидан бири агротуризм босқичма босқич ривожланмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади инсонларнинг мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маҳсулотлар тўғрисида тушунтириб, уларни дам олишларига шароит ва имконият яратишдир.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- ушбу бизнес йўналишини танлаш, ушбу бозор сегментини бизнинг мамлакатимиздан нисбатан кам рақобатга эга бозор сифатида тавсифлаш мумкинлиги билан боғлиқ;

- барқарор ривожланмоқда ҳамда даромадли ҳисобланади.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

1) форс-мажор ҳолатлари (турли хилдаги бахтсиз, техноген фалокатлар ва бошқалар);

2)ташриф буюрилидаган жойлар билан кутилмаган ҳолатда зиддиятли вазиятлар чиқиб қолиши;

5) Рақобат кучайганлиги сабабли сотишнинг пасайиши.

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

1. Ҳар қандай сабабга кўра форс-мажор ҳолатлари юзага келганда, ускунани нархининг тахминан 30% йўқотиш билан сотиш мумкин.

2. Агротуризм хизматларини таклиф қилувчи марказ томонидан манзилли рўйхат тузилиб барчаси бўйича олдиндан икки томонлама шартнома тузиб, мижозларни олиб борган вақтда муаммо чиқадиган ҳолат бўлган тақдирда марказ ва манзил эгаси билан тузилган шартнома шартлари бўйича келишувни амалга ошириш.

3. Мижозларга мазкур турдаги хизматни таклиф қилувчи марказлар сони кўпайган вақтда тадбиркор томонидан мижозларни ушлаб қолиш мақсадида турли кўринишдаги янги қўшимча хизматлар жорий қилиш

билан бир қаторда уларга имтиёзлар ва чегирмалар ҳам бериш зарур ҳисобланади.

ЛОЙИҲА ТУРЛАРИ

Лойиҳани амалга оширишда харажатларни камайтириш мақсадида ва бизнесни юриб кетиши учун дастлаб бинони ижара асосида олиб бизнесни бошлаш учун дастлабки ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Шунингдек, ижарага олинган бинони агротуризм хизматини ташкил қилувчи марказга мослаб қайта таъмирланиб, хона зарурий жиҳозлар билан таъминланади. “Агро туризм хизматларини кўрсатувчи маркази” кейинги ўринларда марказ деб юритилади.

Мазкур марказни ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Марказни ташкил қилиш учун яхши жойдан ижарага бино топиш;

2. Харажатлар ва даромадлар режаси бўйича бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш;

3. Ўзбекистон Республикаси туризм қўмитасидан агротуризм бўйича манзилли рўйхат ҳамда керакли тавсияларни олиш;

4. Хонани қайта таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни

режалаштириш;

5. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;

6. Марказни реклама қилиш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

7. Бир йиллик мижозларнинг оқимини режалаштириш ва режага қараб чоралар кўриш (стратегия);

8. Мижозлар учун агротуризм хизматларини таклиф қилиш учун кўрсатиладиган хизматлар, бориладиган манзиллар рўйхатини шакллантириш ва бошқалар бўйича маълумот тақдим қилиш чораларини кўриш;

9. Ҳодимларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки ишончли ҳодим топиб берадиган рекруитер ташкилотларига мурожаат қилиш;

Шунингдек, қуйида кўрсатилган Потенциал талабларга таъсир этувчи омилларни кўзда тутиш бизнесни ривожланишига сабаб бўлади.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг ҳаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади;

- мижозлар (жисмоний ва юридик шахслар) оқими даражаси – яъни мижозларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килади;

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш;

- ташкил қилинаётган ҳудуддаги аҳоли сони (улардан 18-40 ёшгача бўлганини), тадбиркорлик субъектлари сони, йирик корхона ва ташкилотлари сони, давлат ташкилотлари, банк, микромолия ва ломбардлар ҳамда ташкил қилинаётган хизмат тури бўйича фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар бўйича ўрганиб чиқиш тавсия этилади (маълумотлар stat.uz, cbu.uz, edu.uz сайтларида мавжуд).

- Мазкур ҳолат мижозлар яшайдиган манзилда аҳоли даромадига

тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Аҳолининг жамҳаришга ортиқча маблағи мавжуд бўлган ҳолатда инсонларнинг дам олишга бўлган эҳтиёжи ортади.

Марказини ташкил этиш учун ўртача 60 метр квадрат майдон бўлса етарли.Бунга асосий сабаб мижозларни кутиб олиш, улар билан музокара ва таништирув ишларини амалга ошириш учун хоналар мавжуд бўлса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Марказ 2 хонадан иборат бўлса етади. Бунинг асосий сабаби. Мижозларни қабул қилиб уларга агро туризм манзиллари ҳамда шартлари тўғрисида маълумотлар бериш учун керак бўлади. Ушбу марказда талабга қараб ишчилар ишга олинади. Ўртача 5 та янги иш ўрни яратилади. Лойиҳани реконструкция қилиш учун ўртача 100 млн сўм ҳамда мобил илова ва сайт яратиш учун . 60 млн сўм пул маблағи талаб этилади.

Ушбу марказ жиҳозлари учун қуйидагиларни харид қилиш лозим ва юқорида кўрсатилган **100,0 млн.сўм** маблағ ушбу мақсадлар учун ишлатилади:

1. Компьютер 3 дона-ҳар бирининг нархи ўртача 6 млн.сўм, жами 18 млн.сўм;

2. Принтер 2 та шундан 1 та 3*1 ва 1 та ранглик принтер-ўртача нархи

5 млн.сўм атрофида. Жами кетадиган маблағ миқдори 10 млн.сўм;

3. Стол стул, шкаф, юмшоқ мебел ва бошқа жиҳозлар учун 42 млн.сўм;

4. Кондиционер 2 дона ҳар бирининг ўртача нархи 5 млн.сўмдан жами 10 млн.сўм;

5. Йиллик канцелария маҳсулотлари, интернет, маиший буюмлар, гул, бошқа маҳсулотлар учун 20 млн.сўм;

Бундан ташқари йиллик ижара харажатлар (ўртача бир ойлик учун 3 млн.сўм атрофида) жами йиллик 36 млн.сўм пул маблағлари талаб этилади.

Мамлакатимизда мавжуд агро туристик жойлар бўйлаб маълумотлар шакллантириб, мижозларни доимий олиб бориши учун кичик микро автобуслар траспорт хизматлари ҳамда меҳмонхона, хостел кафе ресторанлар шартномалар имзолаш лозим ҳисобланади.

Шунингдек, нархлар фаслларга қараб ўзгаради. Масалан ёз ойида кўп инсонларда дам олишга вақти ва имконияти бўлганлиги ҳамда деҳқончилик ва шунга ўхшаш озиқ овқат маҳсулотларини етиштириш мазкур фаслга тўғри келади.

Агротуристик масканларга олиб бориш ва айлантириш хизматлари

бироз қиммат бўлади (ёзда оддий нархдан 30 фоиз, баҳорда 20 фоиз кузда 20 фоиз, қишда ўз нархи) бошқа фаслларга қараб нархлар фарқланади. Бироқ нархларни ҳисоблашимиз осонлашиши учун ҳисоб китобни ўзгармас нархда оламиз.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 5 кишини ташкил қилади. Ишчиларининг иш вақти режимлик тартибда ташкил этилади.

МАРКАЗНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Марказни рўйхатдан ўтказиш учун сиз ҳуқуқий шаклни, тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Агротуризм хизматини таклиф қилувчи марказ қуйидаги хизматларини мижозларга таклиф қилади:

Ушбу марказда хизмат кўрсатиш ўртача нархи қуйидагича белгиланади (вилоятлардаги агро туризмларга бориб келиш):

сўм

№	Хизмат турлари	Мижозлар сони				Йиллик мижозлар сони	Ўртача нарх ҳар бир кишига	Жами даромад
		Қиш фаслида	Баҳор фаслида	Ёз фаслида	Қуз фаслида			
2	ҚҚР даги	40	60	80	60	240	800 000	192 000 000
3	Хоразмда вилоятидаги	40	60	80	60	240	700 000	168 000 000
4	Бухорода	40	60	80	60	240	600 000	144 000 000

	вилоятидаги							
5	Фарғонада вилоятидаги	40	60	80	60	240	600 000	144 000 000
6	Тошкент вилоятидаги	40	60	80	60	240	300 000	72 000 000
7	Жиззах вилоятидаги	40	60	80	60	240	500 000	120 000 000
8	Ва Бошқаларга	40	60	80	60	240	550 000	132 000 000
Жами		**330**						**972 000 000**

Ўртача нарх таркибида траспорт хизмати нархи киради.Шунингдек, ҳар бир мижоздан ўртача траспорт воситаси учун жами тўловнинг 50 фоизи транспорт хизматига тўлаб берилади.

Жами кўрилган даромад 972 млн сўмни ташкил қилган бўлиб, 50 фоизи траспорт хизматига хусусан, 486 млн сўм ўтказиб берилади. Жами даромад 486 млн сўмни ташкил қилмоқда.

МАРКАЗ ХАРАЖАТЛАРИ

Штат жадвали

сўм

	Лавозими	**Сони**	**Битта штат ойлик маоши (оклад+KPI)**	**Жами 1-йил ойлик маош**
	Иш бошқарувчи (юрист)	1	5 000 000+KPI	60 000 000+KPI
	Бухгалтерия, маркетинг, бўйича ходим	1	5 000 000+KPI	60 000 000+KPI
	Ресепш (мижозларга қўнғироқ қилувчи)	1	3 000 000+KPI	36 000 000+KPI
	Шартнома тузувчи	2	10 000 000+KPI	120 000 000+KPI

	ҳудудлар билан			
	ЖАМИ	**5**	**23 000 000**+KPI	**276 000 000**+KPI

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

сўм

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
Номи	**Ўз маблағи**	**Кредит маблағи**	**Жами**
Марказни ташкил этиш	260 000 000	0	260 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**100%**		**100%**
Молиялаштириш объектлари			
Бинони реконструкция қилиш		**100 000 000**	**260 000 000**
Жиҳозлашга ва харидга		**100 000 000**	
Мобил илова ва сайт яратиш		**60 000 000**	

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўм

Номланиши	**Йиллик**
Хизматлардан тушган тушумлар	486 000 000
Коммуникация харажатлари (вайфай, электр, сув ва бошқа)	60 000 000
Маош ҳаражатлари	276 000 000
Ижара харажатлари	30 000 000

Реклама харажатлари	20 000 000
Солиққа қадар тушган даромад	100 000 000
Фойда солиғи 12%	12 000 000
Сой фойда	**88 000 000**

Йиллик соф фойда 88 млн.сўмни ташқил қилган тақдирда бизнес ўртача 3 йилда қилинган инвестиция харажатини қоплайди. (Юқорида харажатлар кўпроқ олинган даромадга нисбатан).